

Узбекистон  
9584  
К-26



Ғуллом Каримий

# Муқанна

22

357,  
9584  
K.26

ГУЛОМ КАРИМИЙ

# Муқанна

(рисола)

ТОШКЕНТ  
«ABU MATBUOT-KONSALT»  
2011

УДК 94(575)(092) Муқанна  
ББК 63.3(5Ў)4  
К25

**Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир:**  
*тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов*

**Тақризчи:**  
*тарих фанлари номзоди Ш. Зиёдов*

**Каримий, Гулом.**

Муқанна (рисола) / Ғ. Каримий; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 32 б. – (Тарих ва тақдир).

Манбашунос олимнинг мазкур тарихий рисоласи VIII асрнинг иккинчи ярмида Туронзаминда халифалик истибодига қарши кўтарилган оқ кийимлилар кўзғолони раҳнамоси Муқанна фаолиятига бағишланган. Унда тарих дарсликлари ва илгариги тадқиқотларда мавжуд маълумотлар такрор баён этилмасдан, имкон қадар бирламчи манбалар асосида янги фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳаракат қилинган. Рисолага илова тарзида келтирилган ноёб қўлёзмалардаги Муқанна кўзғолонига оид парчалар таржимаси ўқувчиларда Ватанимиз ўтмишидаги энг йирик тарихий воқеалардан бирининг манзараларини тўлароқ тасаввур эгишга ёрдам беради.

Ушбу тарихий рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Муқанна  
ББК 63.3(5Ў)4

ISBN 978-9943-336-67-4

© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

## Сўзбоши

Муқанна кўзғолони Ватанимиз тарихидаги энг йирик сиёсий воқеалардан бири сифатида ҳамиша тадқиқотчилар эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳтган XX асрда оқ кийимлилар ҳаракати ва унинг раҳбари Муқанна ҳақида Садриддин Айний, А. Якубовский, Г. Қодирова ва П. Равшановларнинг муҳим тадқиқотлари юзага келди. Уларда мазкур кўзғолон анча кенг ёритилган. Бироқ янги даврда манбалардан қўшимча маълумотлар топилиши тўфайли оқ кийимлилар кўзғолони ва унинг йўлбошчиси Муқанна шахсиятига янгича нуқтаи назардан қараш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу рисолада олдинги тадқиқотлар орқали маълум жиҳатларга ортиқча тўхталмасдан, имкон қадар янги маълумотларни баён этишга ҳаракат қилдик.

Муқанна кўзғолони нафақат олимлар, балки шоир ва ёзувчиларни ҳам турли жанрларда асарлар яратишга илҳомлантириб келмоқда. Атоқли шоир Ҳамид Олимжон «Муқанна» тарихий драмаси, ёзувчи Мирзапўлат Тошпўлатов «Санам тоғидаги гулхан» тарихий қиссасини ёзди. Шу мавзуга бир қанча шеър, ҳикоя ва мақолалар ҳам бағишланган. Оқ кийимлилар кўзғолони ҳақида хорижий мамлакатларда қатор илмий тадқиқотлар яратилган. Шунингдек, Эрон ёзувчиси Саид Нафисий ва аргентиналик жаҳонга машхур адиб Луис Борхес Муқанна ҳақида ҳикоялар ёзишгани маълум.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, оқ кийимлилар кўзғолонини исломга қарши ҳаракат ҳамда унинг раҳнамоси Муқаннани ислом душмани қилиб кўрсатишга интилишлар ғоятда бирёқлама эканлиги бугунги кунда яққол аён бўлиб қолди. Жаҳон тарихидан қиёс келтирадиган бўлсак, Франциянинг қатор вилоятларини босиб олган инглиз босқинчиларига қарши олиб борилган озодлик курашининг етакчиларидан бири Жанна д'Аркни руҳонийлар жодутарликда айблаб, суд қилиб, «дахриёна қилмишларини далиллар билан исботлаб», ўтда куйдиришган бўлишса-да, француз халқи асрлар давомида Жаннанинг хотирасини азиз тутиб, эҳтиром кўрсатмоқда. Муқанна хотираси ҳам Ўзбекистонда Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алимқул, Мадаминбек, Иброҳимбек каби буюк саркардалар қаторида эъзозланиб, ёш авлодни эрксеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилаверади.

## Муқанна кўзғолони – халқимиз тарихининг чигал ва мураккаб саҳифаси

**Х**озирги пайтда тарихчи олимлар олдида Ўзбекистон тарихини янгидан ҳолисона ва илмий асосда ўрганиш вазифаси турган экан, ўтмишдаги жуда кўп муҳим воқеаларнинг қайта баҳоланиши ўз-ўзидан аён. Туронзамин тарихининг турли даврларида пихоятда мураккаб воқеа-ҳодисалар юз берганки, баъзан уларнинг асл моҳиятини англаш тадқиқотчилар учун катта қийинчилик туғдиради. Мутахассислар бундай масалаларда бир-бирларидан фарқли, ҳатто тамомила зид фикр-мулоҳазалар билдиришлари мумкин. Шундай воқеалардан бири VIII асрнинг иккинчи ярмида Араб халифалигига қарши кўтарилган Муқанна бошчилигидаги кўзғолондир. Кўзғолон раҳбарининг исми аслида Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, доимо юзига парда ёпиниб юргани учун у Муқанна, яъни Никобдор лақабини олган. Ибн Халликон Муқаннанинг номи Ато бўлган, деб ёзган. Ўрта асрларда яшаган араб муаррихи туркий *ота* сўзини шундай ёзган бўлиши мумкин. Ўша замонда исломни қабул қилган туронликлар асл туркий ва суғдий номларидан ташқари, арабча исм ёки лақаблар олиши ҳам урф бўлган эди.

Муқанна бошчилигидаги кўзғолон иштирокчилари ўз йўлбошчилари амрига кўра оқ либос кийиб юрганликлари учун бу ҳаракат тарих фанида «Оқ кийимликлар кўзғолони», деб ҳам аталади. Деярли барча манбалар Муқаннанинг бош қароргоҳи Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) тумани ҳудудида, ўша даврларда Сом (баъзи манбаларда Сиём) деб аталган тоғдаги мустаҳкам қалъада бўлганини тасдиқлайди. Муқанна бу жойда туриб, деярли бутун Мовароуннаҳр ва қисман Хуросон вилоятларида ғалаён кўтарган ўз тарафдорлари ҳаракатини бошқариб турган. Маҳмуд Кашғарий «Девону луғотит турк» асари муқаддимасида турк шаҳарлари ҳамда тоғ, кўл, водий номларидан фақат баъзи машҳурларинигина ўз китобида келтирганини тазкидлаб ўтади. Бу асарда *инч* сўзи тинч деган маънони беради. «*Инчканд*

---

– Муқанна фуқароси яшаган шаҳарнинг номи. Сўнг хароб бўлган»,  
– деган қисқача маълумот бор. Инчканд шахри, фикримизча, Муқанна доимий қароргоҳ сифатида танлаган Сом тоғидаги мазкур қалъа бўлса керак. Оқ кийимлилар озод этган вилоятларнинг ўртасида ва анча пайтгача жанговар ҳаракатлар бораётган ҳудудлардан узоқда жойлашгани, нисбатан осойишта бўлгани туфайли эҳтимол тинч шаҳар маъносида бу манзил Инчканд деб аталгандир.

Шўро даврида илмий ва бадиий адабиётларда Муқаннани ислом душмани, оқ кийимлилар кўзғолонини эса исломга қарши ҳаракат сифатида кўрсатишга интилиш кучли эди. Ўша даврда ижобий баҳоланган бу жиҳатлар эндиликда баъзан кўзғолонга, айниқса, унинг раҳбари шахсияти ва фаолиятига салбий баҳо бериш учун дастак бўлмоқда. Ваҳоланки, ўша даврга оид тарихий манбаларнинг қиёсий таҳлили бундай фикрлар бирёқлама эканини кўрсатади. Айрим сабабларга кўра, кўзғолоннинг ғоявий йўналишлари хусусида тадқиқотчиларнинг умумий бир фикрга келишлари анча мушкул. Назаримизда, бу ҳақда қатъий ҳукм чиқаришга шўшилмаган маъқул. Энг аввало, манбалардаги айни мавзуга оид барча маълумотларни тўплаб, ўзбек тилига ўгириб, ўша даврдаги ниҳоятда мураккаб диний-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, бу масалани атрофлича тадқиқ қилмоқ зарур.

Муқанна тахмилан 719 йили Марв яқинидаги Коза қишлоғида туғилган. Муқанна 776–783 йилларда Мовароуннаҳрда Араб халифалиги зулмига қарши кўтарилган катта кўзғолонга бошчилик қилган. Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Нахшаб шаҳарлари кўзғолоннинг асосий марказларига айланган. Кўзғолон мағлубиятга учрагач, арабларга таслим бўлишни хоҳлаган Муқанна ўзини ёниб турган тандирга ташлаб, ҳалок бўлган. Бу воқеа 783 йили Кеш (Шахрисабз) яқинидаги Сом тоғида – Муқанна истехкомида юз берган.

## Муаррихларнинг Муқанна шахсиятига муносабати

**Ш**у нарса диққатга сазоворки, қадимги тарихий манбаларда ҳам Муқанна кўзғолонига турлича муносабат билан ёндашиш ҳоллари бўлган. Ўрта асрларда оқ кийимлилар ҳаракатига бағишлаб махсус ёзилган асарлар ҳам бўлган. Улардан бири, яъни Иброҳим исмли муаррихнинг «Ахбори Муқанна» («Муқанна ҳақида хабарлар») китоби Абубакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида тилга олинади. Академик В.В. Бартольднинг тахминича, бу асар муаллифи асли келиб чиқиши туркий хонадондан бўлган ва араб тилида ижод қилган машҳур шоир Иброҳим ибн Аббос ас-Сулий бўлиши керак. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида: «Муқанна ҳақидаги хабарларни форсчадан арабчага таржима қилдим ва уларни «Оқ кийимлилар ва карматийлар ҳақидаги хабарлар» номли китобимда тўла баён этдим», – деб маълум қилади. Беруний бу асарини 27 ёшида ёзиб тугатганини эсласак, оқ кийимлилар ҳақидаги китобини олдин – навқирон йигитлик даврида ёзгани аён бўлади. Демак, улуғ олимни илмий фаолияти бошланишидаёқ қизиқтирган илк мавзулардан бири Муқанна кўзғолони бўлган. Афсуски, «Ахбори Муқанна» китоби ва Берунийнинг «Оқ кийимлилар ва карматийлар ҳақидаги хабарлар» асари сақланиб қолмаган. Аммо алломанинг бошқа баъзи асарларида Муқанна ҳақида маълумотлар учрайди.

Шунингдек, ўрта асрларнинг Наршахий, Табарий, Балъамий, Ибн Халликон, Гардизий, Абулфараж Яҳудий, Яъқубий, Ибн ал-Асир каби улкан муаррихлари оқ кийимлилар кўзғолонига ўз асарларидан жой ажратишган. Бу муаррихларнинг баъзилари асарларида бошқаларида учрамайдиган маълумотлар мавжудлиги, шу тариқа манбалар бир-бирини тўлдириши уларнинг барчасини сингичлаб тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади. Масалан, Наршахий «Бухоро тарихи» асарида Муқанна тарафдорларининг Бухоро вилоятида кўзғолон кўтаришлари тафсилотига анча кенг тўхталади. Самарқанд вилоятида содир бўлган воқеалар ҳақида эса бир неча сатр ёзиш билан кифояланади. Балъамий эса, аксинча, «Таржимаи тарихи Табарий» асарида оқ кийимлилар ва халифа қўшинлари ўртасида Самарқанд учун бўлган шиддатли жанглар ҳақида кенгроқ маълумот беради. Абусаид Гардизий

ўзининг «Зайн ул-ахбор» («Хабарлар безаги») асарида халифа томонидан оқ кийимлиларга қарши юборилган Абу Нуъмон, Жунайд, Лайс ибн Наср, Ҳассон ибн Тамим, Муҳаммад ибн Наср каби йирик саркардалар кўзғолончилар тарафидан мағлуб этилганлиги ҳақида ниҳоятда муҳим хабарларни келтиради. Демак, барча манбалардаги мавжуд маълумотларни қиёсий тадқиқ этиш мазкур кўзғолоннинг нисбатан яхлит манзарасини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

X асрда яшаган муаррих Абубакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари ўзбек тилига ўгирилиб, бир неча бор чоп этилгани учун мазкур асардаги Муқанна кўзғолонига оид маълумотлар кўпчиликка яхши маълум. Дарҳақиқат, ушбу манба оқ кийимлилар кўзғолони ҳақида жуда кўп муҳим маълумотларни беради. Шу билан бирга, Наршахий кўзғолон ва унинг раҳбари фаолиятини қаттиқ қоралаб, Муқаннани худолик даъвосини қилганликда айблайти. Аммо турли муаррихларнинг Муқаннанинг бу хил даъволари ҳақидаги маълумотлари бир-биридан фарқ қилади. Манбашунослик фани ҳар қандай манбадаги маълумотларни танқидий назардан ўтказиб, уларга эҳтиёткорона ёндашишни талаб этади. Тарихчи Муҳаммад ибн Жарир Табарий (839–923) Муқанна руҳларнинг кўчиб ўтиши (таносухи арвоҳ)ни тарғиб қилгани ҳақида ёзади. Беруний пайгамбарлик даъвосини қилган кишилардан Муқанна, худолик даъвосини қилганлардан эса машҳур сўфий Мансур Ҳаллож номини келтиради. Шуниси борки, «Аналҳақ», яъни «Мен – худоман» деб хитоб қилган Мансур Ҳаллож халифа буйруғига кўра қатл қилинган бўлса-да, бу ҳол унинг неча асрлар давомида авлиё сифатида улуғланишига монелик қилмаган. Муқаннанинг даъвоси ҳам қандайдир мажозий маънода, тарафдорларини курашнинг ғалабасига ишонтириш мақсадида қилинган бўлиши мумкин. Ўша даврда Туронда ислом ва зардуштийлик динлари кенг тарқалганини назарда тутсак, тўттидан-тўтти пайгамбарлик ёки худолик даъвосини қилган кимса кўпчилик аҳоли ўртасида муваффақият қозонишининг имкони йўқ эди. Баъзи ўрта аср уламулари оқ кийимлилар ҳаракатини исломдан ташқари ва унга ёт бир ҳодиса эмас, балки унинг ўз заминиде вужудга келган бир фирқа деб ҳисоблашган. X асрда яшаган қомусчи Абу Абдуллоҳ Котиб Хоразмий қаламига мансуб «Мафотиҳ ул-улум» («Илмларнинг қалитлари») китобининг «Қалом илми» боби ик-



кинчи фаслида исломдаги фирқаларнинг рўйхати келтирилган. Жами элликдан ошиқ фирқалардан бири Оқ кийимлилар фирқаси деб номланган ва унга қуйидагича таъриф берилган: «Оқ кийимлилар ал-Муқанна Ҳошим ибн Ҳаким Марвазийга эргашган кишилардир. Қора либос кийган Аббосийлар давлати тарафдорларига муҳолифат юзасидан оқ либос кийишгани учун уларни шу ном билан аташган». Шу тариқа Котиб Хоразмий асарида Абу Ҳанифа, Аҳмад Ханбал, Ҳасан Басрий каби муътабар имомлар қаторида Муқанна ҳам исломдаги алоҳида бир фирқанинг асосчиси сифатида кўрсатилган! Буюк олим фирқаларни санаб ўтар экан, улардан бирортасини ажратиб кўрсатмайди ёки бирини устун қўйиб, бошқасини қораламайди. Уларнинг ислом тарихида мавжуд бўлганини қайд этади, холос.

Оқ кийимлилар кўзғолонининг моҳиятини англашга ёрдам берадиган топилмалардан бири Муқанна томонидан зарб қилинган ва ҳозирча ягона нусхада топилган мис тангадир. Ушбу тангани самарқандлик таниқли тангашунос олим Д. Кочнев аниқлаб, у ҳақда илмий мақола эълон қилди. Тангадаги ёзувларда Оллоҳ номи – «Бисмиллоҳ», яъни «Оллоҳ номи билан» сўзи зикр қилинган бўлиб, у Абу Муслим волийси (ноиб) Ҳошим (яъни Муқанна) томонидан зарб қилдирилгани таъкидланади. Маълумки, аббосийлар саркардаси, асли хуросонлик Абу Муслимнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрни халифаликдан ажратиб олиш учун исён кўтаришидан хавфсираган халифа уни хиёнаткорона тарзда ўлдиртиради. Муқанна ўзини Абу Муслим издошти ва унинг давомчиси, деб эълон қилгани эса бошқа манбаларда ҳам қайд этилган. Агар Муқанна ҳақидаги ёзма манбаларнинг аксарияти икки-уч аср кечроқ даврга оид бўлса, мазкур танга айни ўша замоннинг шохидидир. Шу сабабли бу ноёб топилма бир қанча муҳим хулосалар чиқаришга имкон беради. Аввало, у Муқаннанинг Оллоҳга иймон келтиргани ва исломни асло инкор қилмаганини кўрсатади. Қолаверса, танга зарб қилгани Муқаннанинг бир неча йил давомида бўлса-да, мустақил давлат қуриб, унда баъзи иқтисодий тадбирларни амалга оширганидан далолат беради. Балъамийнинг Муқаннани «Фарғона ва Туркистон подшоси» деб атагани ҳам бунинг тасдиқлайди.

Йирик тарихий шахслар фаолияти ҳақида тадқиқот олиб борганда асосий мақсад уларнинг шахсиятини қоралаш ёки

оқлаш эмас, балки имкон қадар уни англашга интилишдан иборат бўлгани маъқул.

Чунончи, Балъамийнинг «Таржимаи тарихи Табарий» аса-рида Муқанна қароргоҳида бўлган араб элчисининг сўзлари келтирилган. Таслим бўлиш талаби билан келган элчи, ўзи эътироф этишича, барибир мени ўлдиришади, деб ўйлаб, хаёлан ҳаёт билан видолашади. Аммо Муқанна, гарчи унинг шартини қабул қилмаса-да, яхши муомала қилиб, зиён-заҳматсиз кузатиб қўйишни буюради. Ушбу мисол ҳам оқ кийимлилар йўлбошчисининг олиҳиммаг шахс бўлганидан далолат беради. Илк ўрта асрларда исломда турли оқим ва фирқалар вужудга келиб, улар ўртасида ихтилофлар ва қонли тўқнашувлар рўй берган. Ҳар бир тараф ўз муҳолифларини кофир ёки муртад деб эълон қилган. Шунинг назарда тутганда, ўтмишда Муқанна шахсига ёпишгирилган турли ёрлиқларнинг барчасини ҳақиқат дейишга асос йўқ.

### Муқанна кўзғолони иштирокчилари

Ўрта аср муаррихлари оқ кийимлиларга қарши уруш олиб борган араб халифаси лашқарини гоҳо араблар дейишса-да, кўпроқ мусулмонлар деб ёзишади. Халифа қўшинида, араблардан ташқари, турли тобе ўлкалардан, жумладан, Мовароуннаҳр аҳолисидан йиғилган аскарлар ҳам бўлган, албатта. Бироқ тарихий манбаларда «Мусулмонлар оқ кийимлилар билан жанг қилдилар», деб ёзилгани учун, демак оқ кийимлилар сафида мусулмонлар бўлмаган экан-да, деб ўйласак, янглиш хулоса чиқарган бўламиз. Тўғри, оқ кийимлилар кўзғолонида ҳали исломни қабул қилмаган ёки яқинда исломга ўтган бўлса-да, эътиқодида собит бўлмаган ва эски динга қайтишни истаган кишилар ҳам фаол иштирок қилишган. Аммо Муқанна кўзғолони моҳияттан исломга қарши эмас, балки истилочилар зулмига қарши кўтарилган эди. Кўзғолон сардорлари исмлари орасида мусулмонларга хос номларнинг борлиги унинг оддий иштирокчилари сафида ҳам мусулмонлар оз бўлмаганини кўрсатади. Чунки бу даврга келиб Мовароуннаҳр фатҳ этилганидан бери 60–70 йил ўтган, аҳолининг салмоқли қисми мажбуран ёки ихтиёрий тарзда исломни қабул қилган эди.

Аббосийлар хонадони халифалик тахти учун уммавийлар сулоласига қарши кураш бошлаганида Мовароуннахр ва Хуросон аҳолиси аббосийларни қизгин қўллаб-қувватладилар. Аммо VIII аср ўртасида халифалик устидан ҳукмронликни эгаллаган аббосийлар тобе ўлкаларга баъзи енгилликлар бериш ҳақидаги ўз ваъдаларини бажармадилар. Шу сабабли бу сулола ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ Мовароуннахр ва Хуросонда катта-кичик ғалаёнлар кўтарилиб, улар анча қийинчилик билан бостирилган эди. Оқ кийимлилар кўзғолонини ҳам истилочилар зулмидан безор бўлган маҳаллий мусулмонларнинг анчагина қисми қўллаб-қувватлаб, кўзғолончилар сафида жанг қилишмаганида, Муқанна халифанинг номдор саркардалари устидан қозонган ғалабаларига эришмоғи амримаҳол эди. Араб истилочиларига қарам бўлиб, уларнинг ўлкани итоатда сақлаб туришига кўмаклашадиган гумоштаси даражасига тушиб қолган қадимги Бухоро ҳукмдорлари – бухорхудотлар сулоласига мансуб Бунёт ибн Тағшода (ҳукмронлик даври: 775–782)нинг, ўзи ислом динида бўлишига қарамай, Муқанна тарафдорларини зимдан қўллаб-қувватлагани кўзғолон ҳақиқий озодлик кураши бўлганининг ёрқин далилларидан биридир.

Наршахий Бунёт ибн Тағшода ҳақида шундай деб ёзади: «У отаси ислом динида эканлигида туғилди, бир қанча вақт мусулмон бўлиб турди. Муқанна пайдо бўлиб, оқ кийимлилар кўзғолони Бухоро қишлоқларига тарқалгач, Бунёт уларга мойил бўлиб, ёрдам берди ва натижада оқ кийимлиларнинг қўллари узайиб, улар ғалаба қозондилар. Алоқа (хат-хабар) ишлари бошлиғи бу ҳақда халифага хабар юборди». Шундан сўнг Наршахий Бунёт диндан қайтгани ва кўзғолончиларга ёрдам бергани учун халифа буйруғига кўра қатл этилганини айтади. Бироқ мантиқан мулоҳаза қилганда, болалигидаёқ мусулмон бўлган одамнинг улғайганда диндан қайтиши унчалик осон иш эмас. Аслида, Бунётнинг мусулмон бўлагуриб, кўзғолонга мадад бергани ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки унинг учун ислом динида қолиш ёки эски динга қайтиш масаласидан кўра, оқ кийимлилар ёрдамида Бухорода ўз сулоласининг мустақиллигини тиклаш ғояси муҳимроқ бўлгани табиийдир. Бухорхудотлар сулоласининг араблар вайрон этган ҳашаматли ёзги қароргоҳи Варахшани қайта обод этишга ҳаракат қилгани ҳам Бунётнинг истиқлолни орзу этгани ва бунга интилганини кўрсатади. Шунинг учун у ўз ҳаётини хатарга

қўйиб бўлса-да, зимдан Муқаннага хайрихоҳлик билдирган. Бунининг ушбу хатти-ҳаракатлари халифа томонидан уни «диндан қайтган», деб эълон қилиш учун етарли эди.

## Оқ кийимлилар қўзғолонининг сабаблари

**Ш**уркистоннинг бир неча минг йиллик тарихидаги энг йирик воқеалардан бири бўлмиш ушбу буюк қўзғолон чуқур сабаблар билан боғлиқ эди, албатта. Истилочиларнинг хирожни вақтида тўламаган деҳқон ва хунармандларнинг баданига тамға босишгача боришгани зулм энг шафқатсиз даражага етганининг далилларидандир. Қолаверса, Муқанна бошчилигидаги қўзғолон қутилмаган ва ягона ҳодиса эмас эди. VIII асрдаги Мовароуннаҳр тарихини халифаликка қарши истиқлол учун кураш ва деярли узлуксиз давом этган қўзғолонлар тарихи, десак асло муболага бўлмайди. Оқ кийимлилар қўзғолони булардан энг йириги ва кенг қўламлиси бўлиб, бир неча йил давомида бутун халифаликни ларзага солиб турди ва, шубҳасиз, Туроннинг истиқлолга эришиш жараёнини тезлаштирди. Қўламдорлиги, узоқ давом этгани, аҳолининг кенг қатламлари иштирок қилгани, ниҳоятда аёвсиз олишув ва шиддатли жанглар ила кечганига кўра Муқанна қўзғолонини ўрта асрлар жаҳон тарихидаги энг йирик халқ қўзғолонлари, хусусан, Чехиядаги Ян Гус тарафдорлари, яъни гусчилар ҳаракати ва Германиядаги деҳқонлар урушига қиёслаш мумкин. Қўзғолоннинг бош раҳнамиси Муқаннадан ташқари Ҳорижа, Ҳаким, Боғий, Ҳапвий, Найза, Ғирдак, Кулортагин, Суғдиён, Каёки Ғузий, Жамхур, Ҳаждон каби кўплаб сардорларининг номлари тарихий манбаларда сақланиб қолган. Ҳар бир ном ортида бундан ўн уч аср бурун Туронзамин истиқлоли учун ўз жонини фидо қилган қаҳрамон аجدодларимиз хотираси турибди. Шунингдек, Муқаннаниннг ўз укаси Қабзам ва лашкарбошиси Саржама оғир вазиятда унга хиёнат этиб, душманлар томонига ўтишгани ҳам маълум.

Оқ кийимлилар қўзғолони ҳақидаги хабарлар ўрта асрларда маълум ва машҳур бўлган. Муқанна ёки Нахшаб оғи (Моҳи Нахшаб) мумтоз Шарқ адабиётида кенг қўлланилган бадиий образлардан биридир. Сомонийлар сулоласининг баъзи ҳукмдорлари ҳақида бир неча сатр ёзиш билан чекланган Наршахийнинг

Муқанна кўзғолони баёнига бир неча саҳифани ажратгани, бошқа муаррихларнинг ҳам оқ кийимлилар ҳаракатини ўша даврдаги энг муҳим тарихий воқеа сифатида қайд этишгани, Маҳмуд Копғарийнинг Турон тарихида из қолдирган бир неча йирик тарихий шахснинггина исмлари тилга олинган «Девону луғотиг турк» асарида Муқанна номи ҳам борлиги бежиз эмас, албатта.

## МУҚАННА ҚЎЗҒОЛОНИ МУАРРИХЛАР ТАЛҚИНИДА

### 1. Муқанна қўзғолони ҳақида тарихчи Гардизий маълумотлари

Ўрта асрлар Шарқининг етук муаррихларидан Абу-саид Гардизий (XI аср) «Зайн ул-ахбор» («Хабарлар безаги») номли асари билан машҳур. Муаллифнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. У асли Шарқий Афғонистоннинг Гардиз туманидан бўлиши керак. Афтидан, у кўп йиллар ўша пайтдаги Хуросон пойтахти бўлган Ғазна шаҳрида яшаб ижод қилган.

Гардизий ўз асарини газнавийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Абдурашид ибн Султон Маҳмуд ҳукмронлиги даври (1049–1053)да ёзган. Муаррих буюк олим Абу Райҳон Беруний билан мулоқотда бўлган. Китобининг «Ҳиндларнинг байрамлари ҳақида» бобида «Мен худо раҳмат қилгур Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийдан шундай эшитган эдим», деб муҳим маълумотларни келтиради, Берунийнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланганини эътироф этади.

«Зайн ул-ахбор» асарида жуда кўп тарихий, жуғрофий, этнографик маълумотлар бор. Муаллиф турклар, эронликлар, румликлар, хишлар, яҳудийлар, юнонлар, оташпарастларнинг байрамлари, урф-одатларига оид қизиқарли, муҳим хабарларни баён қилади. Шунингдек, «Зайн ул-ахбор»нинг дастлабки қисмларидаги Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан истило қилиниши, сўнгра Сомонийлар сулоласи тарихи баёни ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Асардаги Мовароуннахр тарихига оид муҳим маълумотлардан бири VIII асрнинг иккинчи ярмида араб халифалигига қарши кўтарилган Муқанна бошчилигидаги йирик кўзғолон тафсилотларидир. Гардизий Муқанна кўзғолони ҳақида бошқа мўътабар манбаларда ҳам учрамайдиган баъзи маълумотларни баён қилади.

Ушбу ноёб манба ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган. «Зайн ул-ахбор»даги қуйидаги парчалар асарнинг Абдулхай Ҳабибий амалга оширган форсча нашридан ўзбек тилига таржима қилинди.

Абусаид Гардизий  
«Зайн ул-ахбор»дан

*Уттиз бешинчи фасл  
Хумайд ибн Қаҳтаба амирлиги даври*

Мансур (у 754–775 йилларда ҳукмронлик қилган аббосийлар халифаси – Муҳ.) бир юз элик биринчи йил шаъбон ойининг биринчи куни Хуросонни бошқаришни Хумайд ибн Қаҳтабага топширди. Хумайд катта доий (ташвиқотчи)лардан эди. Уша замонда Мансур вафот этди ва Маҳди халифалик тахтига ўтирди (у 775–785 йилларда халифа бўлган – Муҳ.). У ҳам Хуросонга ҳукмдорлик ёрлиғини Хумайд номига жўнатди. Хумайд амирлиги даврида Муқанна хуруж қилди ва оқ байроқ кўтарди. Муқанна бир кўзли одам бўлиб, Марвда жомашўйлик қиларди. Унинг номи Ҳаким эди. Илк дафъа хуруж қилганида пайғамбарлик даъвосини қилди. Алал-оқибат «мен – худоман», деб даъво қилиб, одамларни ўзига банд бўлишга чақирди. Ўзига зар ниқоб қилиб олиб, ҳеч ким кўрмаслиги учун юзини ёпиб юрарди. Чунки жуда бадбашара эди. У шундай дерди: «Улуғ ва қудратли Худо Одам (Ато)ни яратиб, ўзи унинг суратига кирди. У вафот этгач, Нуҳ суратига кирди. Сўнгра Иброҳим, ундан кейин Мусо суратларига кирди. Сўнгра Исо, ундан кейин Муҳаммад алайҳиссалом суратларига кирди. Шу тариқа, ниҳоят Абу Муслим суратига кирди. Абу Муслимдан кейин Ҳошим, яъни Муқанна суратига кирди». Шу тарзда Муқанна ўзига Ҳошим деб ном қўйган эди.

Жуда кўп гумроҳ одамлар Муқанна сари интиддилар ва унга сажда қилдилар. Жанг майдонида улар «Ё Ҳошим, мадад бер!» деб гўё улуг ва қудратли Худодан ёрдам сўрагандек сурон кўтарардилар. Муқанна атрофига кўп одам тўпланди. У Кеш (Шахрисабз) туманидаги Сиём қалъасини қароргоҳ қилиб танлади ва бу қалъа атрофига истехкомлар қуришди. Бухоро ва Суғда ҳам оқ кийимлилар пайдо бўлишди ва Муқаннани кўллаб-қувватлашди. Муқанна кофир туркларни ҳам мададга чақирди. Улар мусулмонларнинг мол-мулкини ғорат қилдилар ва бу ишлар кўпроқ Суғда содир бўлди. Саркарда Абу Нуъмон уларга қарши борди, аммо ҳеч нарса қилолмади. Оқ кийимлилар вилоятга ва Кеш шаҳрига келиб, барча йўлларни ишғол қилишди. Улар Навокат ва Сангардак қалъаларини ҳам мустаҳкамладилар.

Абу Нуъмон, Жунайд, Лайс ибн Наср ибн Ҳассон ибн Тамим ибн Наср ибн Сайёр, Муҳаммад ибн Наср каби саркардалар оқ кийимлилар билан жангу жадал қилишди. Аммо улардан ҳеч бири муваффақиятга эришолмади ва барчаси маъдубиятга учраб, орқага чекинишди. Шундан сўнг Маҳди Жаброил ибн Яҳё ва унинг укаси Язидни жўнатди. Улар Ҳусайн ибн Маоз вилоятга ҳоким бўлган пайтда Бухорода бош кўтарган оқ кийимлиларни бостириш билан машғул бўлишди. Бир юз эллик еттинчи йили Жаброил улар билан Нумижкат шаҳри (Бухоро яқинидаги шаҳар – Мух.) ёнида жанг қилиб, улардан етти юз кишини ўлдирди ва қолганлари пароканда бўлиб, Муқанна тарафга кетишди. Шундан сўнг Жаброил Самарқандга жўнади ва суғдларга ҳужум қилиб, уларнинг бир сардорини ўлдирди.

Хуросон амири Ҳумайд ибн Қаҳтаба ўлгач, бир юз эллик тўққизинчи йил охиригача унинг ўғли Абдуллох ибн Ҳумайд ҳукмронлик қилди.

*Уттиз олтинчи фасл*

*Абу Авн Абдулмалик ибн Язид амирлиги даври*

Маҳди Хуросонни Абу Авнга берди. У бир юз олгмишинчи йил сафар ойининг ўртасида душанба куни ўз ўғлини илгор тарзида жўнатди. Абу Авн Хуросонни бир йилу бир ой бошқарди ва Муқанна билан жанглар қилди. Ҳумайд замонида Юсуф Сақфий Ҳарурий бош кўтарган эди. Ҳаким Толиқоний ва Бумаоз Форобий ҳам у билан бирга эди. Улар Пушанг (шаҳри)ни Мусъ-

аб ибн Зурайқдан тортиб олишди. Юсуф Марварруд, Толиқон ва Гузгононда ғалаба қилди. Аммо Балх ҳошимийлари у билан жанг қилиб, мағлубиятга учратишди. Бумаоз Форёбийни қўлга олиб, Маҳди хузурига жўнатишди. Маҳди Бумаозни Бағдодда дорга осишни буюрди. Шундан сўнг Маҳди Абу Авни Хуросон амирлигидан маъзул қилди.

*Уттиз еттинчи фасл*

*Маоз ибн Муслим амирлиги даври*

Маҳди Хуросонни Маоз ибн Муслимга берди... Маоз Марвага келгач, Хуросон ишларини тартибга солди. Шундан сўнг у Муқаннага қарши юришга жазм қилди ва Саид Ҳарашийни ўз лашкарининг илғори тарзида жўнатди. Уқба ибн Салм ҳам Таововисда (Наршахий маълумотига кўра, бу қишлоқнинг асл номи Арқуд бўлган. Бу қишлоқ ҳозирги Навоий вилояти Қизилтепа тумани ҳудудига жойлашган – Мух.) уларга кўшилди ва биргаликда Самарқандга боришди. Муқаннанинг одами Ҳорижа ўн беш минг оқ кийимли билан Жаброил ибн Яҳёга қарши жанг қилар эди. Жаброил улардан уч мингини жангда ўлдирди. Бу мадад етиб келгач, мусулмонлар кучайиб оқ кийимлилар заифлашиб қолдилар ва улардан кўпчилиги ўлдирилди. Қолганлари Муқанна тарафга қайтишди. Муқанна Сиём қалъаси олдига хандақ қазиб, мусулмонлар билан жанг қилди. Оқ кийимлиларнинг аҳволи танг бўлди, аммо улар бардош беришди. Бирок улар бир-бирларининг терисини ейиш даражасига боришгач, Муқаннага билдирмай, Ҳарашийдан сулҳ сўрашди. Ҳараший (уларнинг илтимосини) қабул қилди ва ўттиз минг киши хандақдан ўтиб, (қалъадан) чиқиб кетишди. Муқанна икки минг кишидан иборат эркак ва аёл тобелари билан қолди. Саид Ҳараший ва Маоз ибн Муслим ораларида совуқлик пайдо бўлган эди. Маоз Маҳдидан ўзини Хуросондаги амалдан бўшатишини сўради ва илтимоси ижобат этилгач, Ироққа жўнаб кетди.

*Уттиз саккизинчи фасл*

*Мусайяб ибн Зухайр амирлиги даври*

Шундан сўнг Маҳди Хуросон ёрлигини Мусайяб ибн Зухайрга бериб, уни Хуросонга жўнатди. Мусайяб бир юз олг-



---

миш олтинчи йилнинг жумодил аввал ойида Хуросонга етиб келгач, хирож йиғишга машғул бўлди. Сўнгра Муқаннага хужум қилиш учун Бухоро тарафга равона бўлди. Шунда Саид Ҳараший Муқаннани қалъада қаттиқ муҳосара қилиб, ғалаба қозонгани хабарини эшитди. Муқанна ночор вазиятга тушиб қолгач, хотинларини тўплаб, заҳар тайёрлади ва уларга жаннатни ваъда қилиб, барчасига заҳар ичирди. Ҳаммаси ўша заҳоти ўлиб қолдилар. Муқанна ҳам заҳар ичди, аммо у секин жон берарди. У ёронларидан бирига бўйнига қилич уришни буюрди ва (душманлар) топа олмасликлари учун жасадини оловда куйдиришни васият қилди. Унга эрганган гумроҳлардан баъзилари, у осмонга кетди, дейишади. Айрим кишилар шу сабабдан алданишди ва ҳозиргача муқаннайлар (муқанначилар) бордирлар. Лашкар қалъага бостириб кирганда у ерда одамлар йўқ эди. Нимайки топган бўлишса, ўзлари билан олиб кетишди.

## 2. Муқанна қўзғолони ҳақида тарихчи Табарий ва Балъамий маълумотлари

**К**ўп йиллар давом этган жараён нағижасида IX асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизда мустақил Сомонийлар давлати ташкил топди. Сомонийлар давлатида подшодан кейинги энг юксак мақом бўлган вазирлик лавозими навбати билан асосан учта машҳур хонадон қўлида бўлган. Булар Жайхонийлар, Балъамийлар ва Утбийлар хонадонларидир. Мазкур хонадонларнинг ҳар биридан вазирлик билан бирга бошқа соҳаларда ҳам катта ишларни амалга оширган кишилар етишиб чиққан. Масалан, сомоний ҳукмдор Наср II ибн Аҳмаднинг (ҳукмронлик даври: 914–943) вазири Абу Абдуллоҳ Жайхоний жуғрофияга оид «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» ва тарихга оид «Китоби таворих» каби муҳим асарларни таълиф этган. Балъамийлар ҳам маърифатлиликда Жайхонийлар ёки Утбийлардан қолишмаганлар. Низомулмулк ўзининг «Сиясатнома» асарида намунали вазирлар қаторида Балъамийларни ҳам тилга олади. Бу хонадоннинг бир намояндаси Абулфазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ Балъамий олимлар ва шоирлар, айниқса, буюк шоир Рудакийга ҳомийлик қилгани, Бухоро ва Марв шаҳарларида бир қанча бинолар қурдиргани билан машҳурдир. Унинг ўғли Абу

---

Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий (974 йили вафот этган) Сомонийлар давлати амири Абдулмалик ибн Нуҳ (хукмронлик даври: 954–961) хукмронлигининг сўнгги йилларида вазирлик мансабини эгаллаб, кейинги хукмдор Мансур ибн Наср (хукмронлик даври: 961–976) даврида ҳам шу лавозимда бўлган. Абу Али Муҳаммад Балъамийнинг давлат арбоби сифатида амалга оширган ишлари ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган. Аммо у ўрта асрлар Шарқининг улкан муаррихи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшодар тарихи») асарини ёки қисқача номи билан айтганда «Тарихи Табарий»ни араб тилидан форс тилига таржима қилиб, баъзи қисмларини қайта ишлагани билан кўпроқ шухрат қозонди. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий 839 йилда Эроннинг Табаристон вилоятидаги Омул шаҳрида туғилиб, умрининг кўп қисмини Бағдодда ўтказган ва 923 йилда Бағдод шаҳрида вафот этган. Асосий асарлари илоҳиёт ва тарих соҳаларида ёзилган. У Қуръони каримга йигирма жиллик тафсир ёзган. Табарий айниқса Қуръонда зикр этилган тарихий воқеаларни шу қадар муфассал шарҳлаганки, бу тафсир тарих фани учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Олимнинг асосий тарихий асари «Тарих ар-русул ва-л-мулук» ёки «Тарихи Табарий» бўлиб, унда энг қадимги давлардан то муаллиф замонасигача Миср, Арабистон, Ироқ, Эрон, Кавказ, Хуросон, Мовароуннаҳр, Рум, Шом, Мағриб каби бир қатор ўлкаларда бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Асар солнома тарзида ёзилиб, воқеалар йилма-йил баён қилинган. «Тарихи Табарий»да бизгача егиб келмаган кўпдан-кўп манба ва ривоятлардан фойдаланилган. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида бу асар ғоят машҳур бўлиб, тарихнависликда намуна ҳисобланган ва қўлёзма нусхаларда кенг тарқалган.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук»нинг Балъамий томонидан амалга оширилган форсий таржимаси, яъни «Таржимаи тарихи Табарий» ҳам асл нусхадан кам шухрат қозонмади. Бу асар «Табарий – Балъамий тарихи» номи билан машҳурдир. Вазир Балъамий асарни таржима қилар экан, айрим жойларини қисқартирган, баъзи фаслларини эса янги маълумотлар билан бойитган, баъзи ўринларда у «Муҳаммад ибн Жарир (яъни Табарий) бу ҳақда айтмаган, лекин биз бунни келтирдик», – деб таъкидлаб ўтади. Таржимоннинг қўшимчалари айниқса Туркис-

тон тарихига бағишланган бобларда кўпроқдир. Балъамийнинг ўзи туғилиб ўсган заминда юз берган тарихий воқеаларнинг айрим жиҳатларини эронлик Табарийдан кўра яхшироқ билишининг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Марҳум шарқшунос олима Р. Жалилова Балъамийнинг Табарий тарихига қилган айрим кўшимчалари ҳақида рус тилида илмий мақола эълон қилган эди. «Таржимайи тарихи Табарий»нинг, айниқса, Муқанна кўзғолони ҳақида ҳикоя қилинган фаслларида асл арабий нусхада, баъзиларида эса бошқа бирон-бир тарихий манбада учрамайдиган муҳим маълумотлар мавжуддир. Бу ҳол мазкур фасллар ҳақида сўз юритилганда Балъамийни таржимон эмас, балки муаллиф сифатида эътироф этишга асос бўлади.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук»да Муқанна кўзғолони ҳақидаги хабарлар қисқача бўлиб, ундан ҳижрий 161 ва 163 йиллар (мелодий 777–780 йиллар) воқеалари баёни ўрин олган. Бошқа манбаларда кўзғолон камида 7–8 йил давом этгани яхши маълум. Аммо Табарий маълумотига кўра, у учинчи йилиёқ бостирилган бўлиб чиқади. Бу ҳол муаррихнинг оқ кийимлилар исёни ҳақида аниқ ва муфассал маълумотларга эга бўлмаганини кўрсатади. Балъамийнинг кўл остида эса бундай маълумотлар нисбатан кўпроқ бўлган. Ҳурматли ўқувчилар айти мавзуга оид Табарий ва Балъамий маълумотларини таққослаш имкониятига эга бўлишлари учун *Табарий тарихининг* асл арабий нусхасидан Муқанна кўзғолонига оид хабарларни қуйида тўлиқ келтирамиз:

## Табарий

*«Тарихи Табарий» асаридан*

*«161 йилда рўй берган воқеалар зикри.*

Бу йил воқеаларидан бири Хуросонда – Марв қишлоқларидан бирида Ҳаким Муқаннанинг исён кўтарганлигидир. Айтишларича, у руҳларнинг кўчиб ўтиши (таносухи арвоҳ)ни тарғиб қилган. У жуда кўп одамларни йўлдан оздириб кучайиб кетгач, Мовароуннаҳр тарафга ўтди. Халифа Маҳди бир қанча саркардалари, жумладан, Уқба ибн Муслим, Жаброил ибн Яҳё ва Лайс ибн Насрни Хуросон амири Маоз ибн Муслим ихтиёрига топшириб, унга қарши жангга жўнатди. Сўнгра Маҳди Саид ал-Ҳарашийни махсус равишда Муқаннага қарши жангга йўллаб, бошқа саркардаларга унга бўйсунганини буюрди. Муқанна ҳам

Кешдаги қалъалардан бирида озуқа йиғиб мустақкамланиб олди.

(162 йил воқеалари баёнида Муқанна ва унинг тарафдорлари ҳақида бирон хабар йўқ).

163 йилда рўй берган воқеалар зикри.

Бу йил воқеаларидан бири Муқаннанинг ҳалокатидир. Саид ал-Ҳараший уни Кешда қамал қилди ва бу муҳосара унинг аҳволини оғирлаштирди. Айтишларича, Муқанна ҳалокати яқинлашганини сезгач, хотишларига ва одамларига заҳар бериб ўлдириб, ўзи ҳам заҳар ичиб ўлган. Шундан сўнг мусулмонлар унинг қалъасига кириб, бошини кесиб олиб, бу пайтда Ҳалабда бўлган Маҳдига жўнатишди».

Абу Али Балъамий эса «Таржимаи тарихи Табарий»да мазкур мавзуга оид маълумотларни халифанинг саркардаси Жаброил ибн Яҳёнинг кўзғолончиларга қарши юборилиши ҳақидаги хабар билан бошлайди. Бу асардан оқ кийимлилар ва халифа лашкарлари ўртасида Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳри Самарқанд учун айниқса қаттиқ курашлар бўлиб ўтгани аён бўлади. Афтидан, Самарқандга ким эгалик қилиши урушнинг натижасига катта таъсир кўрсатишини икки тараф яхши англаган. Дарҳақиқат, араблар Мовароуннаҳрнинг қадимий пойтахтини узил-кесил ўз қўлларига киритгач, кўзғолон алангаси пасая бошлайди. Манбаларда Муқанна кўзғолонини бостиришда иштирок қилган ўндан ортиқ араб саркардаларининг номлари келтирилган. Уларнинг энг машҳурларидан бири Жаброил ибн Яҳё Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида айтилишича, халифа Маҳдийнинг вазири бўлган. «Тарихи Табарий»нинг олдинги бобларида Жаброилнинг Озарбойжондаги бир урушда иштирок қилгани ҳақида ҳам маълумот бор. Халифанинг Абу Нуъмон, Жунайд, Лайс ибн Наср, Ҳассон ибн Тамим, Муҳаммад ибн Наср каби саркардалари оқ кийимлилар томонидан тормор келтирилганидан кейин Жаброил ибн Яҳё кўзғолонни бостиришда сезиларли муваффақиятларни қўлга киритган дастлабки лашкарбоши эди. У оқ кийимлиларнинг Ҳаким Бухорий, Ҳашвий, Боғий, Суғдиён, Ҳаждон каби атоқли саркардаларини маҳв этади. Аммо бир неча бор катта мадад юборилишига қарамай, Жаброил ибн Яҳё ҳам кўзғолонни батамом бостиришга муваффақ бўлолмайди. Халифа бошқа бир тажрибали саркарда Маоз ибн Муслимни Хуросон амири қилиб тайинлаб,

Муқаннанинг Қашқадарё воҳасидаги бош қароргоҳини забт этишни буюради. Ҳирот (баъзи манбаларда Кермон) амири Саид ал-Ҳараший ҳам ушбу топшириқни бажаришда унга ёрдам кўрсатиш учун жўнатилади. Бу иккаласи кўп жангу жадаллардан сўнг кўзғолоннинг ўчоғи бўлган Қашқадарё воҳасида ҳам ғалаба қозониб, ниҳоят Муқаннанинг сўнгги таянчи бўлган қалъани барча томондан ўраб олиб қамал қилишга муваффақ бўладилар. Аммо мазкур икки лашкарбоши ораларида ихтилофлар пайдо бўлади ва бу хабар халифага етгач, Маҳди Маозга қўмондонликни Саидга топшириб, Бағдодга қайтиш ҳақида фармон юборади. Халифага Маознинг қиш фаслида совуқни баҳона қилиб, оқ кийимлиларга қарши урушда сусткашлик қилгани ёқмаган эди. Шу тариқа кўзғолоннинг бош раҳнамоси Муқаннани маҳв этиш Саид ал-Ҳарашийга муяссар бўлади. Табарий ўз асарида 721–723 йиллар тарихи баёнида Мовароуннаҳрда, жумладан, Қашқадарё воҳасидаги жангларда қагга иш кўрсатган ва арабларга қарши исён кўтарган Панжикент шаҳри ҳокими Деваштичани маҳв этган Саид ал-Ҳараший ҳақида маълумот беради. Ҳатто араб шоирларидан бири Саиднинг Мовароуннаҳрда кўрсатган «жасоратлари»га бағишлаб шеър ёзган бўлиб, унинг насрий таржимаси қуйидагичадир:

*«Саид беш қисмли лашкар билан,  
Нафасни бўғадиган чанг-тўзон орасида жангга кирди,  
Туркларга мағлубиятнинг аччиқ шаробини ичказди,  
Улар дош беролмай, отларида қочиб кетишди».*

Агар бу Саид ал-Ҳараший ва орадан қарийб олтмиш йил ўтгач Муқанна кўзғолонини бостирган Саид ал-Ҳараший битта шахс бўлса (бу тахминда асос бор), бу пайтда у кам деганда саксон-тўқсон ёшларга кирган бўлади. Эҳтимол, бошқа саркардалар Муқаннани маҳв этишдек оғир вазифани удалайвермагач, халифа сўнгги чора сифатида кекса, аммо пишиқ ва тажрибали лашкарбошини жангга йўллагандир.

Балъамийнинг «Таржимайи тарихи Табарий» асари атоқли муаррих ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан XIX аср охирида ўзбек тилига таржима қилинган. Аммо мазкур таржиманинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд иккита қўлёзма нусхасининг бизни қизиқтирган

саҳифаларини кўздан кечириб чиққанимизда, унда Муқанна кўзголониға оид маълумотлар деярли тенг ярмига қисқариб кетганини кўрдик. Эҳгимол, Баёний таржима учун фойдаланган форсий нусханинг худди шу ўринларида ноқислик бўлгандир. Шу сабабли «Таржимаи тарихи Табарий» асаридан Муқанна кўзголони ҳақидаги фаслларни асарнинг 1898 йилда Ҳиндистонда, Канпур шаҳрида топбосма усулида чоп этилган нусхасидан таржима қилдик. Айрим зарур ҳолларда институт ҳазинасидаги форсий кўлёма нусхалардан ҳам фойдаланилди.

**Абу Али Муҳаммад Балъамий**  
**«Таржимаи тарихи Табарий» асаридан**

*Жаброил ибн Яҳёнинг Хуросонда вилоятдорлик қилгани ҳақида фасл*

Абу Муслим Маккада ҳажни адо этгач, Хуросон сари йўл олди. У Хуросонда халифа Абужаъфар Мансурга қарши исён кўтариш ниятида эди. Аммо Абужаъфар буни англади ва Абу Муслим Шом (Сурия)дан ўтгач, ҳийла билан ўз даргоҳига чакириб уни қатл этди ва осонлик билан жангу жадалсиз (ўз душманидан) халос бўлди. Яна Оллоҳ билгувчидир. Шу тариха Абужаъфар Абу Муслимни ўлдиргач, ўзига тобе кишилардан Жаброил ибн Яҳёни Хуросонга жўнатиб, бутун Хуросон мулкларини унга тааллуқли қилди. Жаброил Абужаъфар фармонига биноан Хуросондан Бухоро ва Самарқанд тарафга юриш қилди. Самарқанд у даврда Туркистон ва Фарғона малики Муқанна кўлида эди. Жаброил ибн Яҳё Бухорога етганида шаҳар аҳолиси унга пешвоз чиқиб, шаҳарга киритишди. Жаброил Бухорода ноиб қолдириб, ўзи Самарқанд шаҳри дарвозаси олдига етиб келди. Суғд малики бўлган Хоқон жангга ҳозирланиб турди. Шаҳар аҳолиси икки гуруҳга бўлишиб, бир гуруҳ Хоқонга, иккинчиси Жаброил ибн Яҳёга тарафдор бўлишди. Жаброил тарафдорлари нариги гуруҳдан кўпларини ўлдиришди ва қолганлари Муқанна ҳузурига қочиб кетишди. Жаброил ибн Яҳё Самарқандга кирди ва Абдулмаликка чопар жўнатиб мадад сўради. Хуросон амири Уқба номли саркардани ўн минг аскар билан унга мададга юборди. У етиб келгач, жангга кирди ва турklar ва оқ кийимлилардан анча кишини ўлдиришди.

Ҳорижа (Муқаннининг лашкарбошиси – Мух.) Самарқанд дар-  
возаси олдидан нари кетди ва ҳийла ишлатди. У бир одамни  
Уқба ибн Муслим олдига жўнатди ва у Уқбага шундай деди: «Бу  
номани Жаброил ибн Яхё юборди ва яна айтдики, Худойи тао-  
ло инояти билан биз ғалаба қозондик ва душманлар тумтарақай  
кочишди». Уқба унинг гапига ишониб орқага қайтди. Турклар  
унинг орқасидан ногаҳоний ҳамла қилиб, хазиналарини ўлжа  
қилиб олишди. Уқба Балхта кетди ва Хуросон амирига мактуб  
ёзиб, уни бўлиб ўтган воқеалардан огоҳ этди.

Муқанна Саржама номли кишини Ҳорижага мададга  
жўнатиб унга деди: «Чағониёндан ва бошқа жойлардан лаш-  
кар тўплагин». У бориб лашкар тўплади. Ҳорижа Самарқанд  
вилоятида эди. Муқанна Жамхурни уч минг киши билан (ўз  
қароргоҳидан) чиқариб, Нахшабни ишғол қилишни буюрди.  
Нахшабликлар барчаси жангга қарор қилиб, шаҳардан чиқишди  
ва жангни бошлаб юборишди. Жамхур бир иш чиқара олмасли-  
гига кўзи етди. Бошқалари тadbир ўйлаб, Жамхурга дейишди:  
«Аҳмад исмли бир деҳқон бўлиб, у катта бойликка эгадир. Бориб  
унинг мулкларини ғорат қилиш керак». Улар Нахшабдан келиб,  
бу деҳқоннинг қишлоғини қамал қилишди. Жамхур қишлоқ  
истехкомларини барча тарафдан ўраб олиб, қамални кучайти-  
ришни буюрди. Аҳмад ибн Абубакр уни таниди ва бир куни  
кечаси ўз одамлари билан яширинча ташқари чиқиб, барча оқ  
кийимлиларни ўлдиришди ва Жамхурни дорга осишди. Бу ха-  
бар Муқаннага етиб боргач, у ғамгин бўлди. Ҳаждон номли бир  
деҳқон бор эди. Муқанна унга мактуб ёзиб деди: «Бир тadbир  
қўллаб Жаброил ибн Яхёни Самарқанддан чиқаргин». Деҳқон у  
мактубни ўқиди ва ўзи Жаброил ибн Яхёга нома йўллаб деди:  
«Агар биз Самарқандга кирсак, бундан амирга жуда кўп манфа-  
атлар бўлгуси». Жаброил бу номани ўқигач, ўз укасини жўнатди.  
Ҳаждон Жаброил ибн Яхёнинг укаси келаётганини билиб, унга  
пешвоз чиқиб деди: «Турклар амири сув йўлини биздан бошқа  
ёққа бурди. Неча кундирки, одамлар ташналиқдан ўлишяпти.  
Сен анҳор бошига боргин ва у (турклар амири) кетгач, биз сув  
келтирамиз». Жаброилнинг укаси Язид ибн Яхё унга деди:  
«Сўзинг макрга ўхшайди. Унинг исботи учун далил кўрсатгин».  
У текпириб кўриш мақсадида бир гуруҳ отлиқни Ҳаждон би-  
лан жўнатди. Отлиқлар тезда қайтиб, сон-саноксиз душман ке-  
лаётганини айтишди. Сўнгра деҳқон Ҳаждон пистирмада турган

лашкарни бошлаб чиқди. Бошқа томондан турклар пайдо бўлиб, шиддатли жангни бошлаб юбордилар. Язид ибн Яхё мағлуб бўлиб қочди ва йўлда бир вайрона кўшкка дуч келиб, унга кириб олди. Душманлар етиб келиб, уларни ўраб олишди ва ўша куни кечгача жанг қилишди. Қоронги тушгач, улар нарироқ кетиб, кўшкнинг ҳар бир тарафига жойлашиб олишди. Язид ибн Яхё ҳалок бўлган эди. Укаси қайтиб келавермагач, Жаброил ибн Яхё эртаси куни ўзи отланиб, лашкар билан Самарқанддан чиқди. У вайрона кўшк яқинига етганида жанг қилаётган туркларни кўрди. Жаброил лашкари уларга ташланиб, «Оллоху акбар» дея сурон кўтаришди. Қамалдагилар орасида бўлган Лайс ибн Наср сурон овозини эшитиб, бақирди: «Хушхабар сизларга муборак бўлсинки, амир етиб келди». Улар ҳам вайронадан чиқиб, ҳамла қилишди. Оқ кийимлиларни мағлуб этишди ва деҳқон Ҳаждонни ўлдиришди. Жаброил ибн Яхё укасининг жасадини Самарқандга элтиб дафн қилди.

Шундан сўнг Муқанна Найза номли деҳқон бошчилигида тўрт минг аскарни жўнатди ва улар Самарқандни қамал қилишди. Муқанна Хоқонга ҳам мактуб ёзди. Хоқон ҳам қамал қилувчиларга ёрдамга келиб, ҳаммалари бирлашишди. Фаллух хоқоннинг укаси бўлиб, оти Фил эди. У баҳодир одам эди ва Лайс ибн Наср унга қарши бориб, яккама-якка олишувда уни ўлдирди. Шундан сўнг майдонга бир деҳқон тушди. Лайс ибн Наср ҳамла қилиб, уни ҳам ўлдирди. Мусулмонлар шодлигидан сурон кўтардилар. Аммо турклар хужумга ўтиб, жуда кўп мусулмонларни ўлдиришди. Мусулмонлар қочишди ва турклар Самарқандга ёпирилиб горат ва қиргин қилишди. Бу хабар халифа Абужаъфарга етиб боргач, у мусулмонлар мусибатидан хўнграб йиғлади. Шундан сўнг у Маоз ибн Муслимни Хуросонга амир қилиб жўнатди ва унга деди: «Бориб, Абдулмаликни вазифасидан маъзул қилгин. Унинг ҳамма одамларини олиб, шарафли эр Жаброил ибн Яхё билан бирга душманга қарши урушни кучайтир». Маоз ибн Муслим Марвга келди ва Кермон амири Саид ал-Ҳарашийга мактуб ёзиб, уни ҳам чақирди. Маоз ибн Муслим лашкар билан Мовароуннаҳрга етгач, Жаброил ибн Яхё ҳам ўз лашкари билан Самарқанд дарвозаси олдига келди. Каёки Ғузий Фаллух Хоқонга деди: «Биз Пайканд йўлининг ўртасига бориб, уни ишғол қилишимиз зарур. Шунда мусулмонлар лашкарининг йўлини тўсиб горат қиламиз». Шундан сўнг улар бориб,



биёбонда пинҳон бўлиб туришди. Маоз ибн Муслим бир минг отлични Пайканд йўлидан жўнатган эди. Каёки Ғузий пистирмадан чиқди. Аммо Маоз ибн Муслимнинг ўзи тўрт минг аскар билан етиб келиб, улар «Оллоху акбар» дея сурон кўтаришгач, туркларнинг дилини кўрқув ва ваҳима қоллаб қочишга юзланишди. Мусулмонлар шамширларни ишга солиб, уч юз нафар туркни ўлдиришди ва уларнинг бошларини Бухорога элтишди. Одамлар Маоз ибн Муслимнинг атрофига тўплана бошлашди. Саид ал-Ҳараший ҳам келди ва у ўзи билан ўн минг қўй ҳайдаб келганди. Маоз унга деди: «Эй Саид, қўйларингни сотиб юбор, акс ҳолда улар туркларни кизиқтириб қолади». Саид деди: «Мен билан рабигийлар ва мударитлар (араб қабилалари – Мух.) келишди. Бу қўйларнинг жунини ҳам биров олиб кетолмайди». Маоз лашкарни жойидан кўтариб йўлга тушди ва Саидни муқаддима (лашкарнинг олд қисми)га қўйди. У қўйларни юз нафар отличқа топширган эди. Турклар келиб, қўйларни ҳайдаб кетишди. Саид уларга ҳамла қилди. Турк аскарларидан баъзилари қўйларни ҳайдаб кетишга машғул бўлиб, бошқалари жанг қилиш учун тўхташди. Маоз ибн Муслим бир жарликни тониб, унга тушиб олди. У Саидга чопар жўнатиб, уни ҳам чақирди. Саид деди: «Қандай қилиб сенинг олдинга бораман? Ахир менинг қўйларимни ҳайдаб кетишди. Менга лашкар бергин, токи ўз қўйларимни қайтариб олай». Маоз деди: «Сенинг қўйларингга лаънат бўлсин». Саид адоват юзасидан Маозни турклар қаршисида қолдириб, бу ердан кетди. Оқ кийимлилар сиқувга олгач, мусулмонлар жарликда туриб қолдилар ва сувга муҳтож бўдилар. Шу пайтда бир туркман Маознинг олдига келиб, унга Ҳошим ибн Ҳарбнинг мактубини топширди. Мактубда «Мен лашкар билан келдим, бизга дастур бергин», – деб ёзилганди. Улар ҳам келиб жарликка тушишди ва ўша жойда беш минг туркни ўлдиришди. Лашкарлар мададга етиб келгач, Маоз бу ердан кўзғалиб, Самарқандга келди. Бутун лашкарлар қарамақарши туриб жанг қилишди. Оқ кийимлилар мағлуб бўлиб қочишди ва мусулмонлар уларни таъкиб этишди. Ҳорижа минг киши билан қочиб кетди. Муқаннинг сарҳанг (кичик саркарда)ларидан бири бир гуруҳ одам билан паноҳ сўраган каби Маознинг олдига келиб, ўлдириш ниятида унга ташланди. Аммо аскарлар уларни ўраб олиб, барчасини чолиб ташлашди. Маоз Марвга келди ва Жаброил Самарқандда қолди.

Бу хабарлар Муқаннага етгач, у ғамгин бўлди. Шундан сўнг у ўз одамларини олиб, ўзи қурган қалъага кетди. Ун йил давомида у бу ерга озуқа ва ем-хашак жамлаган эди. Бу ерда иккита қалъа бўлиб, бири бошқасининг ичкарасида жойлашган эди. Маоз ибн Муслим Жаброил ибн Яҳёни Самарқандда кўйиб, ўзи лашкар билан Муқанна устига юрди. У Муқаннани исломга даъват қилиш учун бир одамни олдиндан жўнатди. У одам Маознинг олдига қайтиб келгач, у сўради: «У малъунни кўрдингми?». У шундай жавоб берди: «Қалъага етиб бордим. Унга борадиган йўл қийин экан. У (Муқанна) мени кўрди ва ўша қалъада бир кун сақлаб туришди. Сўнгра бир киши келиб, мени бошлаб борди ва мен ҳарир матолар билан безатилган ва пардалар осиглик бир хонани кўрдим. Эшик олдида турган чиройли ғулом менга қараб қичқирди: «Бошлиғимиз сенинг қандай иш юзасидан келганлигингни сўраяпти». «Мен уни мусулмон бўлишга чақираман», – дедим. Аммо мен ҳар қанча панд-насиҳат қилсам ҳам, у баландроқ даъволар қилди. Шу пайтда мен дилимда ўлимга тайёрланиб, барибир мени ўлдиришади, деб ўйладим. У ижобат қилмагач, мени Ҳорижанинг олдига элтиб, деди: «Уни кузагиб кўйгин, токи бирон кимса унга озор бермасин». Шундан сўнг Маоз дарҳол лашкарни кўтариб, Довудни бир қисм сипоҳ билан бир тарафдан жўнатиб, ўзи бошқа тарафдан юриш қилди. Шу тариқа қалъани ўртага олиб, хужумни бошлашди. То қиш келгунча жанг қилдилар. Совуқ бошлангач, Маоз Довудга буюрди: «Балхга боргин ва баҳорда тайёргарлик кўриб қайтиб келгин. Чунки араблар совуқда жанг қилишолмайди».

Саид ал-Ҳараший Маҳдига тинимсиз хат ёзиб, Маоздан шикоят қиларди. Ниҳоят Маозга лашкарни Саидга топшириш ҳақида халифадан фармон келди. Бунинг сабаби шу эдики, шу йили Абужаъфар Мансур вафот этиб, ўғли Маҳди унинг тахтига ўтирган эди. У Хуросон амирлигини Саидга топширди ва унга «душман билан урушда зинҳор сусткашликка йўл қўймагин», деб фармон жўнатди. Саид Довудни Балхдан чақириб олди ва лашкарни Муқанна қалъасининг тўрт тарафига жойлаштириб, хужум бошлади.

*Маҳди ибн Абужаъфар Мансур халифалиги  
даври ҳақида фасл*

Маҳди халифалик тахтига ўтиргач, барча жойларга лашкарлар жўнатиб буюрди: «Ҳар қандай жойда бирон яхши-ёмон воқеа юз берса, мени ундан огоҳ этингиз. Токи ҳар қандай хавфу хатарни даф этишга тайёр бўлиб турайлик». Саид ҳарчанд ҳийлалар қилса-да, ўша йили у қалъани забт этолмади. Яна киш келди. Саид аскарларга ўзлари учун уй-жой қуришни буюрди. Ҳар бир қисм бошлиғига масжид қуришга фармон берилди. Мусулмонлар лашкарида Жобир ибн Жунайд дегап бир одам бор эди. У шу қадар довурак ва эпчил эдики, баланд деворларга бемалол тирмашиб чиқа оларди. У бошқа икки киши билан шунга келишди: «Бу кечаси қалъа атрофидаги хандақнинг нариги томонига ўтиб, душманлар орасига кирамиз ва Ҳорижани ўддирамиз». Шу тариқа учовлон душман қароргоҳига кириб, Ҳорижани маст ҳолида кўришди. Унинг бошини кесиб, қайтиб келишди. Ҳорижанинг бошини Саиднинг олдига элтишди. Саид хурсанд бўлиб, ҳар учаласига чопон ва совғалар берди. Эрталаб оқ кийимлилар Ҳорижани бошсиз ҳолда кўришди. Бу ишни ким қилганини ҳеч ким билмасди. Муқанна бундан хабардор бўлгач, жуда қайғурди. У лашкарни Саржамага топширди. Бир кунни Саржама Саидга элчи юбориб сўради: «Агар сендан паноҳ тиласам, қабул қиласанми? Менга ёмонлик қилмай, ёронларим билан қалъадан чиқиб кетишга изн берасанми?» Саид «қабул қиламан» деб жавоб берди. Саржама уч минг кишилик лашкар билан ташқари чиқди. Саид уларга марҳамат кўрсатиб, ўз паноҳига олди. Саржама ташқи ва Муқанна ички қалъада эди. Саид шу тарзда ташқи қалъани эгаллади. Муқанна ўз аҳволи ночорлигини англагач, ўзининг юзта хотини билан бир хонада ўтирди ва хотинларининг ҳар бирига заҳарли қадаҳ берди. Барчаси ичишди ва жой-жойида ўлиб қолишди. Муқаннанинг хотинларидан бирининг исми Ёкута (Кеш дехқонининг қизи – Мух.) эди. У заҳарни ичмасдан ёқасига тўқди ва ўлимдан қутулиб қолди. Шундан сўнг Муқанна ғуломлари олдига бориб, барчасига заҳар берди ва улар ҳам ўлдилар. Ёкута шундай ҳикоя қилган экан: «Мен у (Муқанна) худди маст туяга ўхшаб қолганини кўрдим. Унинг Тадрон номли хос ходими бор эди. Бу ходимини поропора қилиб ташлади. Тандирда олов гуриллаб ёнарди. Муқанна

ўзини оловли тандирга ташлади. Ёнаётиб у шундай дерди: «Қанча халқни нобуд қилдим. Энди ўзимни ҳам ёқишим керак». То ёниб бўлгунича, ўша тандирда ағанаб бўқирди».

Муқанна ўзини ҳалок этганини кўргач, Ёкута қалъа томонга чиқиб овоз берди ва деди: «Агар хоҳласангизлар қалъа дарвозасини очиб бераман». Саид «Хоҳлаймиз», – деди. Ёкута деди: «Шу шарт билан очаманки, ҳеч ким менинг кийимларим ва тақинчоқларимга қўл теккизмасин. Яна хазинадан менга ўн минг дирҳам берасизлар». Саид деди: «Қабул қилдим, худди шундай қиламиз». У, балки Муқанна тирикдир, деб ўйлаганди. Ёкута дастга тушиб, қалъа дарвозасини очди. Саид лашкар ва ёроилари билан қалъага кириб, ундаги аҳволни мушоҳада қилишди. Худога шукрлар айтишди. Ёкутага ваъда қилинган нарсаларни беришди. Сўнгра моллар ва хазиналарни олишди. Саид шундай катта зафар билан қайтди ва амир ал-мўминин Маҳдига мактуб йўллади. Маҳди барча шаҳарларга фатҳномалар юборди. Мусулмонлар бу хабардан шод бўлдилар.

### 3. Муқанна қўзғолони ҳақида тарихчи Маҳмуд ибн Вали маълумотлари

XVII асрда яшаб ўтган йирик муаррих, географ ва сайёҳ Маҳмуд ибн Валининг форс тилида битилган «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») асари Туркистон ва унга қўшни ўлкаларнинг ўтмишдаги тарихи, географияси, маданияти ва иқтисодиётини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Муаллиф муқаддимасига кўра асар етти жилддан иборат бўлган. Аммо бизгача унинг фақат биринчи ва олтинчи жилдларигина етиб келган. Ана шу сақланиб қолган қисмлари ҳам қомусий маълумотларни қамраб олгани туфайли қатор мамлакат олимлари томонидан катта қизиқиш билан тадқиқ этилмоқда.

«Баҳр ул-асрор»нинг олтинчи жилди кўлёмалари Ўзбекистон ва Англияда мавжуд. Биринчи жилднинг дунёда ягона нотўлиқ кўлёмаси эса Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида 2372-рақам остида сақланмоқда. Бу 533 варақ (1066 саҳифа)дан иборат, эни ва бўйига 27х32 см ўлчамдаги катта кўлёмза китобдир. Мазкур нусхадан асар муқаддимаси ҳамда биринчи жилднинг учинчи ва тўртинчи бўлимлари ўрин олган.

---

Учинчи бўлим етти иқлим жуғрофиясига бағишланган бўлиб, унда ер юзидаги кўплаб мамлакатлар, шаҳарлар, ўлкалар, тоғлар, ороллар тавсифи алифбо тартибда келтирилган. Жуғрофия бўлимидаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Волгабўйи ва Шарқий Туркистонга оид парчалар Б.А. Аҳмедов томонидан рус тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилган эди (*Маҳмуд ибн Вали. Море тайн (География). Перевод с персидского, введение, комментарии Б.А. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977*).

Маҳмуд ибн Вали Муқанна кўзғолони ҳақида ўз асарининг икки жойида маълумот беради. Бошқа муаррихлар маълумотларидан фарқли ўлароқ, у Муқаннанинг Ҳирот вилояти Бодғис туманидаги Кориз қишлоғида турилганини таъкидлайди. Афтидан, Маҳмуд ибн Вали бу кўзғолон ҳақида бизгача етиб келган манбалардан фойдаланган бўлса керак.

Нахшаб шаҳри тавсифи қўлёзманинг 233<sup>б</sup>–234<sup>б</sup> varaқларида жойлашган. Маҳмуд ибн Вали шаҳар ва вилоят ўтмиши билан боғлиқ тарзда Муқанна кўзғолони тафсилотларини қисқача баён қилади. «Баҳр ул-асрор»даги Муқанна ўлимининг баёни бошқа муаррихларнинг бу ҳақдаги маълумотларидан фарқ қилади. Маълумки, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида Муқанна ўзини ўт ёниб турган гандирга ташлаб ҳалок қилгани айтилган (*Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. 68-бет*). Аммо Маҳмуд ибн Вали у кислота (тезоб) тўлдирилган хумга кириб ҳалок бўлгани ҳақида маълумот беради. Бир қанча тарихчилар Муқаннанинг турли фанлардан хабардорлигини таъкидлаганларини назарда тутсақ, у кимё фанидан ҳамда кислота тайёрлаш сирларидан воқиф бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, Маҳмуд ибн Валининг ушбу маълумоти тарихий ҳақиқатга ҳилоф келмайди.

### Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ул-асрор”дан

#### Нахшаб

Нахшаб – Мовароуннаҳр шаҳарларидан, қадимда уни Насаф деб ҳам атаганлар. Мўғул (хони) Кепакхон (у 1318–1326 йилларда Чигатой улуси хони бўлган – Мух.) бу ерда бир кўшк қурган эди. Мўғул тилида кўшкни қарши дейишгани учун, ўша пайтдан бошлаб бу шаҳар Қарши номи билан машҳурдир.

---

Ибн Муқанна Хуросондан Нахшабга келиб, қамарий ойнанинг охиригича кечаларида сеҳр-жоду ишлатиб, Сиём тоғидаги қудуқдан симоб воситасида ойга ўхшаш бир нарсани зоҳир қилди. Унинг ёруғлиги ўша ҳудудга таралиб, аҳолининг (Муқаннага) эътиқод қилишига боис бўлди. Иш шунга етдики, катта бир жамоат унинг ҳулул мазҳабига асосланган даъватини қабул қилиб, жуда кўпчилик унга бўйсуниб тобе бўлишди. У узоқ муддат ўша атрофда залолат ва гумроҳлик байроғини кўтариб, одамларни ислом аҳлига қарши уруш ва қирғинга чақирди. Ниҳоят, дорил-хилофотдан (халифалик пойтахти Бағдоддан – Мух.) йирик бир амирни уни даф қилиш учун тайинлашди. У баъзи қалъаларни муҳосара қилди. Қамал муддати узоққа чўзилганидан Ибн Муқанна издошларининг кўпчилиги очлик ва ташналикдан йўқлик водийсига йўл олдилар. У қолган тобеълари, хотин ва хизматкорларига захар бериб ўлдириб, ўзини тезоб тўлдирилган хумга ташлади. Бир қанизак унинг ниятидан воқиф бўлиб, хилват жойга яширинган эди. У қонхўр қавмининг ҳалокатидан хабар топгач, қалъа девори тепасига чиқиб, ўзи учун омонлик сўраб олгач, ислом аҳлини содир бўлган воқеадан хабардор қилди. Жангчилар ҳисорга кириб, бу сирли кимсадан бирон нишон ҳам тополмадилар. Ибн Муқаннанинг муридлари оқ кийимлилар номи билан машҳурдирлар.

---

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. *Абу Али Балъамий*. Таржимаи тарихи Табарий (форс т.) – Канпур, 1898.
2. *Абусаид Гардизий*. Зайн ул-ахбор. Нашрга тайёрловчи Абдулхай Ҳабибий (форс т.). – Техрон, 1347 шамсий йил.
3. *Айний, Садриддин*. Исёни Муқаннаъ. – Душанбе: Маориф, 1978.
4. *Айний, Садриддин*. Муқанна исёни. Тарихий-адабий очерк. Тоҷик тилидан Ҳ. Ҳомидов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1994.
5. *Кадырова Т.* Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – Ташкент: Наука, 1965.
6. *Маҳмуд ибн Вали*. Баҳр ул-асрор // ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №2372.
7. *Наршахий*. Бухоро тарихи. Форсчадан А. Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966.
8. *Якубовский А.Ю.* Восстание Муканны – движения людей в «белых одеждах». // Советское востоковедение, 1948, №5, стр. 35–54.
9. *Ғулом Карим*. Муқанна. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

---

## Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Муқанна кўзғолони – халқимиз тарихининг чигал ва мураккаб саҳифаси .....	4
Муаррихларнинг Муқанна шахсиятига муносабати.....	6
Муқанна кўзғолони иштирокчилари.....	9
Оқ кийимлилар кўзғолонининг сабаблари .....	11
Муқанна кўзғолони муаррихлар талқинида .....	12
1. Муқанна кўзғолони ҳақида тарихчи Гардизий маълумотлари.....	12
2. Муқанна кўзғолони ҳақида тарихчи Табарий ва Балъамий маълумотлари .....	16
3. Муқанна кўзғолони ҳақида тарихчи Маҳмуд ибн Вали маълумотлари.....	27
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	30



**Ғулум Абдуқажумович Каримов**

## **МУҚАННА**

*(рисола)*

*ўзбек тилида*

Муҳаррир *В. Умиров*  
Техник муҳаррир *У. Хамутов*  
Мусахҳиҳ *Н. Сайдаҳмедова*  
Дизайнер *Г. Насридинова*  
Компьютерда саҳифаловчи *С. Сайдаҳмедов*

«**ABU MATBUOT-KONSALT**» нашриёти.  
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.  
Телефон: (+99871) 241-0169  
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: [abu\\_mc@uzconsult.org](mailto:abu_mc@uzconsult.org)  
[abu.matbuot-consult@yandex.ru](mailto:abu.matbuot-consult@yandex.ru)

Нашр. лиц. АИ № 090, 16.07.2007. Босишга 06.04.2011 йилда руҳсат этилди.  
Бичими 60×84  $\frac{1}{16}$ . Шартли босма тобоғи 1,86. Нашр тобоғи 2,00.  
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Буюртма №11-022.  
Баҳоси шартнома асосида.

«**ABU MATBUOT-KONSALT**» МЧЖ  
матбаа бўлимида босилди.

2975

### “ТАРИХ ВА ТАҚДИР”

рукнида чоп этилаётган рисодалар:

- |                            |                        |
|----------------------------|------------------------|
| 1. АМИР ТЕМУР              | 16. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ |
| 2. АЛП ЭР ТЎНГА (АФРОСИЁБ) | 17. НАЖМИДДИН КУБРО    |
| 3. ТУН ЯБҒУ-ХОҚОН          | 18. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД |
| 4. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ   | 19. АЛИШЕР НАВОИЙ      |
| 5. УЛУҒБЕК                 | 20. МАҲДУМИ АЪЗАМ      |
| 6. БОБУР                   | 21. МАШРАБ             |
| 7. МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН    | 22. МУҚАННА            |
| 8. УБАЙДУЛЛАХОН            | 23. КАТТА ЭРГАШ        |
| 9. АБДУЛЛАХОН II           | 24. МАДАМИНБЕК         |
| 10. НАСРУЛЛОҲОН            | 25. ШЕРМУҲАММАДБЕК     |
| 11. ШОҲМУРОД               | 26. ЖУНАИДХОН          |
| 12. АМИР ОЛИМХОН           | 27. ИБРОҲИМБЕК         |
| 13. УСМОН ХЎЖА             | 28. МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР  |
| 14. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ        | 29. ҲАМРО ПОЛВОН       |
| 15. АБУ АЛИ ИБН СИНО       | 30. ПЎЛАТ СОЛИЕВ       |



“ABU MATBUOT-KONSALT”

ISBN 978-9943-336-67-4



9 789943 336674